

# **ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ТЕЙЛЕРИОЗИ**

**Джумамуратов Арслан Баймуратович**

Ветеринария фанлар намзоди доцент

**Онгарбаев Юнус Амангелди улы**

3-курс ветеринария медицинаси йўналиши талабаси

Қарақолпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологияси институти

## **Аннотация**

Изыскание лечебных средств и методы профилактики тейлериоза крупного рогатого скота изучение распространение тейлериоза крупного рогатого скота в Каракалпакстане, усовершенствование методов диагностики. лечение и меры борьбы с ними .

## **Аннотация**

Тейлериоз ири шохли кора молларнинг кассалигин Короколпокстанда динамикасин урганиш,ва кассаликка карши ветеринариялик дори дармонларнинг фармокологик хусусиятлари,тейлериоз кассалигининг олдин олиш,ва инновациялик емлаш учун янги чет елда чикарилган протозой кассалигин олдин олиш препаратларининг фармодинамикаси, ва чора тадбирларин ишлаб чикиш.

**Калит сўзлар:** Тейлериоз, Theileria annulata, H.anatolicum ва H.detritum каналар, Паразитемия, Миграция, микроскопия раздавленная капля, арахноэнтомология,приготовление первичных мазков, пунктат от лимфаузлов.

Тейлериоз - қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг трансмиссив касалликларидан бири бўлиб, пигментсиз содда паразитлар - Theileria авлодига киравчи Theileria annulata орқали қўзгатилади. Касаллик одатда ўткир оқимда кечади. Касалланган қорамолларда тана ҳароратининг 41-420С гача кўтарилиши, лимфа безларининг 3-4, гоҳида 5-6 баробар катталашуви, юрак қон томир ва овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятининг бузилиши, интоксикация, шиллиқ пардаларида анемия, сариқлик ҳолатларининг юз бериши кузатилади. Касалликни қўзгатувчиси лимфа безлари, паренхиматоз органлар ва қоннинг шаклли элементларида ривожланади. Касаллик қўзгатувчилари хасталанган ёки касал бўлиб ўтган молларни Ixodidae каналарининг (личинка ёки нимфа босқичи) чақиши натижасида инвазияни ўзига қабул қиласиди. Уларнинг келгуси нимфа ёки имаго босқичида соғ молларни қонини сўриш вақтида инвазияни ўтказиш йўли билан касаллик қўзгатилади.

**Тейлериознинг эпизоотологияси.** Тейлериоз қўзғатувчиларини тарқатувчи *H.anatolicum* ва *H.detritum* каналар бор жойда касаллик тарқалган. Тейлериознинг келиб чиқиши ва унинг ривожланиши учун ўзаро узвий боғлиқ бўлган қўйидаги эпизоотик омиллар мавжуд бўлиши лозим:

1. Касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи *H.anatolicum* ва *H.detritum* каналар; 2. Паразит ташувчи ҳайвонлар (касал ёки касал бўлиб ўтган моллар); 3. Касалликка мойил ҳайвонлар. Юқорида келтирилган омиллар бир-бiri билан узвий боғлиқ бўлиб, улар мавжуд бўлгандагина тейлериоз келиб чиқиши ва тарқалиши мумкин. Касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи каналар ҳамда уларни ташувчи моллар бўлмаган жойларда касаллик пайдо бўлмайди. Жаҳоннинг атоқли протозоолог олимлари С. Н. Никольский, (1933-1937); А.А.Марков, Е.Е.Кальников, (1935); А.В.Богородицкий, (1939) ё; В.Н.Саляев, 1945 лар томонидан пироплазмидозларнинг ҳудудий классификацияси жорий қилинган. Шу классификацияга мувофиқ барча ҳудудлар эпизоотологик нуқтаи назардан 4 тоифага бўлинади: **1. Касаликдан ҳоли ҳудудлар;** **2. Хавфли ҳудудлар;** **3. Энзоотик ҳудудлар.** **4. Латент ҳудудлар.** **Касаликдан ҳоли ҳудудларда** - каналарнинг ривожланиши учун макро ва микроиқлим бўлмаганлиги сабабли касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи каналар бўлмайди. **Хавфли ҳудудларда** - Каналарнинг ривожланиши учун макро ва микроиқлим мавжуд бўлганлиги сабабли, касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи каналар бор, аммо паразит ташувчи моллар йўқ, бу ҳолат аксинча бўлиши ҳам мумкин, яъни паразит ташувчи моллар бору бироқ касаллик тарқатувчи каналар йўқ бўлиши мумкин. Энзоотик ҳудудлар - Бундай жойларда касаллик қўзғатувчи паразитларни тарқатувчи каналар, уларни ташувчи моллар (касал бўлиб ўтган моллар) ва касалликка мойил ҳайвонлар мавжуд бўлиши керак. Бундай ҳудудларда маълум бир миқдорда ҳар йили тейлериоз кузатилади. Тейлериоздан ҳоли бўлмаган бундай ҳудудларда энзоотик ҳолат узоқ вақт ичida сақланиб қолади. **Латент ҳудудлар** - Бундай ҳудудларда маълум миқдорда касаллик тарқатувчи каналар, касалликка мойил моллар ва касаллик қўзғатувчи паразитлар мавжуд бўлади. Ана шу ҳудудларда одатда моллар касалланади. Ёши катта абориген моллар тейлериоз билан касалланмайди, чунки ёши катта молларнинг ҳар йили каналар билан заарланиши (реинвазия) эвазига қайта касалланишдан сақланади.

**Клиник белгилари.** *Th. annulata* қўзғатувчилари чақирадиган қорамолларнинг тейлериоз касаллиги ўткир оқимда кечади. Касаллик лимфа тугунларнинг 2-3, гоҳида 4-5 баравар катталашуви ва уларни

пайпаслаганда оғриқни сезувчанлиги, тана ҳароратининг юқори даражада бўлиши (41-420С гача кўтарилиши) юрак қон-томир, асаб, овқат ҳазм қилиш системаларининг бузилиши, анемия ва заҳарланиш ҳамда ўта даражада ориқлаб кетиш белгилари билан намоён бўлади. Бундан ташқари касалликка учраган молларнинг 90 фоизигача нобуд бўлади. Яширин давр давомийлиги молнинг умумий аҳволига кананинг тури, қўзғатувчиларнинг вирулентлиги ва жойлардаги иқлим, зоогигиеник шароитларга боғлиқдир. Касал молларнинг тана ҳарорати қўтарилиши биланоқ, периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида тейлериянинг эритроцитар (гаметоцит) шаклини топиш мумкин. Касаллик бошланишда конъюктива, бурун бўшлиғи ва қин шиллиқ пардаларида гиперемия, кейинчалик эса анемия ва сариқлик кузатилади. Кўпинча молнинг қовоқлари шишиб, қўз ёши оқади ва у қизил рангда бўлади. Шундай қўз ёшлардан тайёрланган суртмалардан тейлериянинг шизогонал босқичини топиш мумкин. Конъюктива ва қин шиллиқ пардаларида қон қуйилишлар юз беради, оғир ҳолатда елин териси, талоқ ва орқа тешик (анус) атрофида ҳам қон қуйилишлар пайдо бўлади, терида тошқин юз беради. Юрак уриши тезлашади ва у бир дақиқада 130-140 тага етади. Кўпинча бўйин венасининг уриш харакати (пульси) қўриниб туради. Нафас олиш қисқа, юзаки ва бир дақиқада 40-50 тагача тезлашади. Йўтал қуруқ ва қисқа бўлади. Умумий ҳолсизланиш юз беради, иштаха ва кавш қайтариш сустлашади ёки умуман йўқолади, жунлари хурпайиб қолади. Ичакларнинг харакати аввал кучаяди, натижада ичи кетади, кейинчалик эса харакати сусайиб атония пайдо бўлади, натижада ич қотиш кузатилади. Тезаги қуруқ ва шиллиқ моддалар билан аралаш бўлади. Сийдик ажратиш қийинлашади. Сийдик қисқа ва одатдагидан кўра қуюқроқ ва қизгишроқ бўлади. Сигирлар сутини камайтиради ёки умуман сут бермай кўяди, бўғоз сигирлар бола ташлайди. Елка, орқа оёқ мушаклари қалтирайди. Қовурғалари қўриниб қолади. Мол оёқларини кенг ёзиб туради ёки бошини ён томонга буриб, бўйини чўзиб ётади .Ташқи муҳит таъсирига эътиборсиз бўлади, тери сезгирлиги ва рефлекс пасаяди ёки умуман йўқолади. Шундан 4-6 кун ўтгандан сўнг тана ҳарорати бирдан пасайиб кетади, натижада мол нобуд бўлади.

**Касаллик диагностикаси.** Ветеринария врачи томонидан тейлериозга диагноз қўйиш учун касалликнинг ривожланишини кузатиш билан бир вактда, хўжалиқдаги эпизоотик ҳолатни, клиник белгилари ва паталогоанатомик ўзгаришлар таҳлил қилинади: Шунингдек, лимфатик тугуларни, талоқ ва жигардан пунктатлар ҳамда периферик қон томирларидан суртмалар олиб, микроскопик текширишлар ўтказилади.

Мана шундай комплекс эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришлар ҳамда микроскопик текширишлар натижасига қараб диагноз (ташхис) қўйиш тўғри деб ҳисобланади.

**Даволаш.** Тейлериоз билан касалланган молларни даволаш учун аввало, уларни салқин, тинч ва осойишта жойга ўтказиш лозим. Уларнинг кундалик озуқа рационига енгил ҳазм бўладиган озиқ-овқатлардан, янги ўрилган кўк ўт, майдаланган лавлаги, эндигина соғилган сут, айрон киритилиши ва омухта емдан атала пишириб бериш лозим.


Тейлериозни даволашда тейлерияларнинг шизогонал босқичига таъсир қилувчи ва шу билан бир вақтда гаметацитар шаклига таъсир қилувчи патогенетик препаратларни комплекс равишида қўллаш алоҳида эътиборга лойиқ.

Қорамоларни тейлериоздан даволашда Собиқ иттифоқ даврида беренил, сульфантрол, гемоспоридин, АБП, диамидин, бигумал узбикарб ва бошқа препаратларни комплексда қўллаш ҳамда шу билан бир вақтда симптоматик воситаларни ҳам қўллаш усуллари ишлаб чиқилган ва улар ветеринария амалиётига жорий қилинган. Аммо, у усуллар вақт ўтганлиги сабабли ва юртимизда ишлаб чиқарилмаслиги сабабли хозирда ўз кучини йўқотган. Юқорида келтирилган даволаш усулларини қўллашда қўпчилик препаратларни ишлаб чиқарилмаётганлиги ва уларни юртимиз ветеринария амалиётида йўқлиги сабабли ҳозирги кунда рақобатсимон ва замон талабларига жавоб берувчи такомиллашган усуллар ишлаб чиқилди ва улар қўйидагилардан иборат.

№	Қайердан даволанган сигирлар	Сигирлар сони	Дори номи ва миқдори	Қанча вақт ичидаги ишлатиш
1	Хўжайли тумани	3	Theilex 5.0 ml	48 соат
2	Беруний тумани	5	Тейласиде 5.0 ml	48 соат
3	Кегейли тумани	1	Butachem 5.0 ml	48 соат
4	Нукус тумани	3	Бупарвалекс 5.0 ml	48 соат

Саудия Арабистон, Эрон, Голландия ва бошқа Яқин Шарқ давлатларида ишлаб чиқарилган Butachem, Theilex, Тейласиде, юртимизда ишлаб чиқарилган бупарвалекс ва таркибида бупарваквон сақловчи башқа препаратларни биридан тейлериоз билан касалланган молни 100 кг. т.в. га 5,0 мл. дан 48 соат оралиғида 2 марта қўллаш тавсия қилинади. Симптоматик препаратлардан кофеин-бензоат натрийнинг 20% лик

эритмасидан молнинг териси остига 15-20 мл., 300-500 мл. физиологик эритма ва глюкозанинг 5% лик эритмасидан 300-400 мл. миқдорида вена



қон томирига, гемопоэзни кучайтирувчи препаратларни биридан молнинг 100 кг. тирик вазнига 20 мл. дан ва витамин В12 препаратидан 500 мкг. миқдорида мушаги орасига қўллаш тавсия этилади.

Биз ўрганган туманлардаги касалликга чалинган ҳайвонларда ҳар қайси туманга турли дори-дормон бераб кўрдик. Жумладан Қарақолпоғистон Республикаси Хўжайли тумадидаги 3 касал ҳайвонга Тхеилех дorisини қўлладик, Беруний туманидаги 5 та касалланган ҳойвонга бўлса Тейласиде дори препаратини қўлладик. Кегейли ва Нукус туманидаги касалланган ҳайвонларга бўлса Бутачем, Бупарвалекс дори препаратларини қўлладик. Бу касал ҳайвонларга қўлланган дорилар ичидан Бутачем дори препарати ўз самарасини кўрсади. Бунда Бутачем дorisи билан даволанга ҳайвонлар бошида текширилганда уларда 100% касаллик аниқланди. Шундан сўнг емлаш вақтида ҳайвонлардан 24,48,96 соат вақт оралиғида қонларидан намуна олиниб текширилиб турди. Намуналар текширилган вақтда яни 24 соатдан кейин ҳайвоннинг қонида 64% паразитлар топилди. Кейинги яни 48 соатдан сўнг бўлса бу кўрсаткич 35% тушганини кўрдик. Сўнгра 96 соатдан кейин бу кўрсаткич 5 % тушди. Бу бўлса касалланган ҳайвонларни соғайди деб ҳисобласак бўлади. Бошқа дори препаратлар ҳам касалланган ҳайвонларни доволашда яхши таъсир қўрасати лекин улар узоқ вақт давомида емланиши керак.

**Олдини олиш (профилактикаси).** Тейлериознинг профилактикаси ҳайвонлар организмини касалликка қарши табиий чидамлилик

қобилиягини оширишга асосланган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқариш, касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи каналарга қарши курашиш ва молларнинг тейлериялар билан заарланиш йўлларини бартараф қилишга қаратилган бўлиши керак. Ушбу тадбирлар касалликка қарши кимёпрофилактика ва иммунизация қилишга асосланади. Ветеринария врачи тейлериоздан ҳоли бўлмаган фермер хўжалигида хўжалик раҳбари билан биргаликда эпизоотик ҳолатни инобатга олган ҳолда фермер хўжалигидаги чорвачиликни ривожлантириш режасига ўзининг тейлериозга қарши чора-тадбирларини ҳам киритади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

1. Гафуров А.Г., Э.К.Шмунк, И.Жураев // Тейлериоз кон паразитар касаллиги ва унга карши кураш чоралари Брошюра. – Зарафшон нашриёти. 1993. – 30 б
2. Гафуров А.Г. Тейлериоз // Ж.Ветеринария. – №: 3- 1996. С.17-18
3. Гафуров А.Г. Тейлериоз ва унга карши кураш чоралари // Ж.Узбекистон кишлок хужалиги. 1997. - №: 4, - С.58-59
4. Тимофеев Ю.А., Гафуров А.Г., Каримов Б.А. Тейлериоз крупного рогатого скота и регуляция паразитарных системы. // Ж.Цитология. 1992. Т.34. – С.152
5. Турсунов М.Т., Кулдошев О.Ў., Расулов Ў. Тейлериоз ёки карамоллар тейлериоз касаллигини даволаш ва бу касалликнинг олдини олиш усуслари // Узбекистон кишлок хужалиги журнали. Тошкент 1995. – N: 6
6. Турсунов М.Т., Кулдошев О.Ў., Саттаров Ў. Карамоллар тейлериоз касаллигини даволаш // Труды УзНИИВ Ўзбекистон шароитида кишлок хўжалик хайвонлари касалликларининг олдини олниш ва уларга қарши курашиш чоралари. – Тошкент, 1994. – 102- 103 бет.